

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ АЖРИМИ

2021 йил сентябрь ойининг 08 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган суд мажлисида,

Раислик этувчи – судья: И.А.Болтаходжаева

Ҳайъат аъзолари - судьялар: Н.Б.Махкамова ва Х.А.Эшмуратовлардан иборат таркибда, Б.Норбоевнинг котиблигида, даъвогар ХХХнинг жавобгар ХХХга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судининг 2020 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарори ҳамда Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 24 декабрдаги ажримига нисбатан жавобгар ХХХ томонидан берилган кассация шикоятни иш ҳужжатлари асосида ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар ХХХ жавобгар ХХХга нисбатан қарз ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро судининг 2020 йил 02 октябрда сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 24 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жавобгар ХХХ суд ҳужжатидан норози бўлиб, кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Мазкур фуқаролик иши бўйича шикоятни кассация тартибида кўриш жараёнида судлов ҳайъатига жавобгар ХХХ кассация шикоятдан воз кечиш ҳақидаги аризасини тақдим қилиб, кассация тартибда иш юритувни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 413-моддаси 1 ва 3-қисмларига асосан, кассация шикояти берган шахс кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга ҳақли. Шикоятдан воз кечилган ва протест чақириб олинган тақдирда, кассация инстанцияси суди ажрим чиқариб, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

Юқоридаги келтирилган қонун нормасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда суд ҳужжатларига нисбатан бошқа шахс томонидан шикоят келтирилмаганлиги, жавобгар ХХХнинг шикоятдан воз кечиши ҳеч кимнинг ҳуқуқларини бузмаслигини инобатга олган ҳолда, судлов ҳайъати кассация

шикоятдан воз кечиш ҳақидаги аризани қабул қилишни ва кассация тартибидаги иш юритувни тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 413-моддасига асосан

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Жавобгар ХХХнинг кассация тартибидаги шикоятдан воз кечиш ҳақидаги аризаси қабул қилинсин ва мазкур фуқаролик иши юзасидан кассация тартибидаги иш юритиш тугатилсин.

Жавобгар ХХХдан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига (олувчи: Ўзбекистон Республикаси Олий суди манзили: 100186, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй, шахсий ҳисоб варағи: 401 410 860 262 777 033 210 011 001, СТИР 200 936 561, ғазна ҳисоб рақами 23 402 000 300 100 001 010, банк: МБ ББ ҲККМ, Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 201 122 919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун 67.500 сўм ундирилсин.

Раисликэтувчи:

И.А.Болтаходжаева

Ҳайъат аъзолари:

Н.Б.Махкамова

Х.А.Эшмуратов